Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 21 март, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 21 (7018)

Da'vat

Наврўзда кексалар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий одатига айланган. Бу ишда саховатпеша, савобталаб ишбилармонлар барчага ўрнак бўлиши керак.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Сирғали туманидаги 322-ўрта мактаб (директори Н. Турсунова) Наврўзни ўзининг гўзал тадбири билан кутиб олди. Илм маскани ҳовлисига 2 минг туп терак, юздан ортиқ мевали дарахт кўчатлари ўтказилди. Тадбирда янги мактабда илк бор ўқиётган ўқувчиларнинг иштирок этганлиги уларнинг хотирасида умрбод сақланса керак.

Navro'z xislatlari

ЭРТАНГИ КУН УМИДИ

УЧИНЧИ КЎРИНИШ

Бу тонг одамларни Вақт уйғотди.

Одамлар кунлар ўтаверажагига, умр елдиримлигига, бу кўҳна дунёга янги-янги кунлар — НАВРЎЗлар айланиб келаверажагига ишондилар. Ва яна бир Наврўзга эсон-омон етганлари учун шукроналар айтдилар.

Кўчалар, боғлар, далалар... гурас-гурас одамлар билан гавжум бўлди. Айниқса, мамлакатимизнинг энг серфайз ва шинам гўшалари — мактаблар ўзгача чирой очди. Ораста кийинган ўғилқизлар шодлиги қадимий байрам шукуҳига болалик руҳини олиб кирди. Мактаблар теграсида ҳам баҳорги юмушлар бошланиб кетди.

Улкан дошқозонлар атрофида эса кечаю кундуз ажиб бир бедорлик ҳукм сурди. Буғдой майсалари бир текис униб чиққунга қадар ҳар бир майсага юрак кўри, меҳр тафти бахшида этилди. Одамлар бу яшноқ, митти кўчатлардан муҳаббатини аямадилар.

Уларнинг Наврўз неъматига бўлган бу муҳаббати меҳнатга бўлган муҳаббатларининг рамзига, намойишига айланди, гўё — бу одамлар майса униб чиққунча кўрсатган сабр-тоқатни, кўкатларга сарф этганчалик меҳрни ҳар бир ишда ҳам кўрсата билишлари аён бўлди. Бу майсаларнинг ҳар бири бехато униб чиқажаклигига улар ишонган эдилар.

Ҳар бир уруғ, албатта, кўкариб майса бўлажагини — эртанги кунни умид билан кутганларнинг нияти ушалди. Куну тун бедорликдан сўнг дошқозонларда биқир-биқир сумалак қайнай берди, бошланган янги кун каби, ямяшил ҳаёт каби қайнай берди сумалак. Бу соҳир таомга «омонлик-сомонлик» билан оғзи текканлар вужудларидаги ўзгача қувватни ҳис қилдилар, ғайратлари ичига сиғмай кетди. Қалблари яратиш ҳисси билан лим-лим тўлди. Боғбонлар янги боғлар барпо этишга киришдилар.

Бир киши эккан бир туп кўчат улғайиб қанча-қанча одамларга татийди, шу юртга нафли бўлади. Демак, бир туп кўчат эккан одам ҳам чин маънодаги ватанпарвар бўлади. Кўнгил меҳри билан, қалб амри билан кўчат экаётганлар ўз кўчатининг самараси элу юртга насиб этишини ҳис қилиб қувондилар, лекин «мен ватанпарварман» деб кўкрагига урмадилар. «Боболаримиз экдилар — биз едик, биз экаяпмиз — болаларимиз ейдилар», дея фикр қилишди улар.

Ерни, тупроқ ҳидини димоғлари соғинган деҳқонлар далалар сари ошиқдилар. Уларнинг тавсифи қадим китоблар таъбирида шундай бўлди: «Деҳқоннинг яхшиси шундайки, йўғон, новчадан келган ва кучли бўлади. Ҳўкизлар билан ер ҳайдаётганда ўзини бардам тутади, уддабурон бўлади...» Деҳқонлар кўкламги юмушларини адо этар эканлар, бу пайтдаги меҳнат бошқа фасллардагидан кўра завқли ва мароқли эканини дилдан туйдилар.

Боғбону деҳқонларнинг ҳар бир ишларида болалар ҳамроҳ бўлдилар. Улар ўйнаб-ўйнаб ўргандилар, катталарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати уларнинг хотираларига муҳрланди, мурғак тасаввурларида оламнинг жами яхшиликлари мужассамланган зироат илми ҳақида илк таассуротлар зоҳир бўлди.

«Наврўз орзу-умидлар байрамидир. Баҳор бошланиши билан деҳқон ерга уруғ сочади, боғбон кўчат экиб, боғ барпо этади. Буларнинг ҳаммаси унинг эртанги кун орзулари билан яшаётганидан, ҳаётнинг абадийлигидан далолатдир». Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Наврўзнинг яна бир хусусиятига мана шундай таъриф берди.

Мўъжизани қарангки, эртанги кун умиди билан яшаётган одамларнинг илк сочган уруғлари бугуннинг ўзида ҳосил берди ва сумалак бўлиб дастурхонларни безади. Одамлар бир-бирларига, қўни-қўшниларига, дўсту қариндошларига, бутун элу юртга сумалак улашдилар, шодлик улашдилар ва самимий бир тилак улашдилар — НАВРЎЗ айёмингиз қутлуғ бўлсин!

Икром ИСКАНДАР

NAVRO'Z

ORZU, UMID,

UYG'ONISH, YASHARISH,

XALQIMIZNING MILLIY

BAYRAMIDIR

Ayyom kundaligi

МЕҲРИБОНЛИК АЙЁМИ

Самарқанд вилояти болалар ва ўсмирлар ижодиёт уйида гўзал Наврўз байрами муносабати билан йиғилиш бўлди. Йиғилиш меҳмонлари вилоятдаги тўртта Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари бўлдилар. Мезбон — вилоят ҳокими А. Мардиев болаларни байрам билан қутлади. У ҳокимлик номидан ҳар бир интернатга биттадан гилам, болаларга эса кийим-кечаклар улашди. Мезбонлар қаторидан жой олган «Фан, таълим, маданият» фирмаси раҳбари О. Амирхонов 180 нафар боланинг ҳар бирига ширинликлар, совғалар ҳадя этди. Бу фирма болалар лотореясини ҳам ташкил этибдики, унда қарийб барча бола фотоаппаратдан бошлаб, кийим-кечаккача бўлган турли ютуқ соҳиблари бўлишди. Ва яна ушбу хомий ташкилотнинг болаларга дастурхон очганлигини айтсак, уларнинг саховати кўп дуоларга лойиқ эканлиги англашилади.

Байрам тадбирида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Бекмуродов қатнашди.

Б. БОТИРОВ

ЖАМҒАРМА СОВҒА УЛАШДИ

Ҳа, қалбларимизни нурафшон этиб, олам-олам қувонч, сурур бахшида этган Наврўз Турон замини узра кезиб юрибди. Улуғ айём жойларда кенг нишонланмоқда. Дошқозонлардан сумалаклар тортилмоқда. Шодлик кечалари ўтказилмоқда.

«Наврўз—маънавиятим маним» мавзусида Тошкент шаҳар, Юнусобод туманидаги 220-мактабда ўтказилган байрамона тадбир ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Шодиёнада Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг бўлим мудираси, таниқли шоира Турсуной Содиқова ва Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Бош директори, тарих фанлари доктори, профессор Аброр Ҳазратқуловлар иштирок этишди. Турсуной Содиқова мароқли чиқишлар қилиб, ўзининг маънавиятга йўғрилган шеърларидан ўқиб берди. Тадбир сўнгида Улуғбек жамғармасининг байрам совғаси мактаб жамоасига топширилди.

Алижон ТУРСУНМАТОВ

«ШУМ БОЛА»НИНГ ТОМОШАСИ

Байрам арафасида Чирчиқ индустриал техникумининг механика, электротехника ва кимё-иқтисодиёт бўлимларида тахсил олаётган талабаларнинг ҳар бир гуруҳига бир кишидан меҳнат, уруш фахрийлари, нафақадаги ўқитувчи ва ходимлар бириктирилиб, байрам куни уларга озиқ-овқат маҳсулотлари, турли хил совғалар улашилди. Бу кунни меҳнат фахрийлари ва талабалар байрам қилишди, ўқитувчилар эса хизматда бўлишди.

Байрам дастурида гуруҳларнинг бадиий ҳаваскорлик чиқишлари, халқ ижодиёти, миллий таомлар кўргазмалари, спортнинг кикбоксинг, арқон тортиш, тош кўтариш турлари бўйича техникум спортчиларининг томошаси намойиш этилди.

Байрам дастурининг асосий қисми театрлаштирилган кўринишларда ўтказилди. Бунда, айниқса, техникум талабаларидан ташкил топган «Шум бола» театр студияси (раҳбари — Марат Галимов) аъзоларининг чиқишлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

«ОСТОНАСИ ТИЛЛО УЙ»ДА...

Шаҳарнинг энг гўзал қизларию дилбар келинчаклари кўп бўлган таълим муассасаларидан бири Чирчиқ тиббиёт билим юртидир. Бу ерда 21 февралдан 21 мартгача «Наврўз» ойлигининг ҳам маданий, ҳам маърифий тадбирлари ўтаяпти экан. Шу кунгача билим юртида «Ётоқхона менинг уйим» шиори билан «Энг яхши хона» кўриги, «Ибо маликалари» танлови, «Гул ва ғазал», «Аёл сени улуғлайман» кечалари, Оила йилига бағишлаб «Остонаси тилло уй» мавзусида «Қувноқлар ва зукколар» учрашуви, «Балли, қизлар!», «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловлари ўтказилибди.

— Бу тадбирларнинг якуни Наврўз байрамида чиқарилади, — деди Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Мавлуда Одилова. — Байрамда «Кимнинг дастурхони файзлироқ», «Миллий анъаналаримизни биласизми?» мавзуларида талабалар халқимизнинг анъанавий тўйларидан кўринишлар тайёрлашади. Шунингдек, билим юртимизнинг фольклор ансамбли ҳам фаол иштирок этади. Бу ижодий жамоа шаҳар халқ ижодиёти танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, вилоят танловига йўлланма олдилар.

Ушбу байрамни ташкил қилиб ўтказишда ҳамда танлов ғолибларига муносиб совғалар тайёрлашда касаба уюшмаси раиси Матлуба Аминова, услубчи Абдуҳалим Эшмуродов, талабалардан Барно Шаропова, Озода Мирзақулова, Наргиза Ўрунова ва Шаҳноза Абдумуминовалар фаол қатнашмоқда.

Нурлан УСМОНОВ

КЎКЛАМ ШОДИЁНАСИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида Наврўзга бағишлаб ўтказилган тадбирларда талабалар ўзларининг билим ва истеъдодларини турли соҳаларда синаб кўрдилар. Институт раҳбарияти мазкур шодиёнага бағишлаб ҳаттотлик, қўшиқ ва рақс санъати, шеърият, билимдонлик мушоираси, энг яхши деворий газета, энг яхши Наврўз таоми, энг яхши саҳна асари каби танловлар уюштирди. Бу байрам кечасида, айниқса, биринчи курс талабалари фаол иштирок этдилар. Улардан Миразиз Мирахмедовнинг Ботир Зокиров репертуаридаги ўзбек халқининг мусиқий меросига айланган қўшиқларидан ижро этиши, Шаҳло Эгамбердиеванинг институтимизга ташриф буюрган ҳиндистонлик меҳмонларни лол қолдирган ҳиндча рақси, Улуғбек Муҳиддинов ижросидаги «Мустаҳзод», «Наҳори нашта» каби севимли халқ қўшиқлари, Эрмуҳаммад Салимовнинг бугунги шодиёна ва муҳаббатга бағишланган илҳомбахш шеърлари йиғилганларнинг барчасига манзур бўлди. Яна ўзбекона маросим ва урф-одатларни ўзида акс эттирган кичик саҳна кўринишлари, ғарб ва шарқ тилларида изҳор этилган табрик, тилак ва истаклар кечани янада файзли қилди. Танлов ғолибларига қимматбаҳо совға ва совринлар топширилди. Бу кечада иштирок этганларнинг ҳар бири, шубҳасиз, маданий ҳордиқ чиқариб, маънавий озуқа олдилар.

Нигора СУЛАЙМОНОВА,
Тошкент давлат Шарқшунослик институти талабаси

«ВАСЛ АРО, КЎРДУМ, ТЕНГ ЭМИШ БЎЙИЮ СОЧИ»

Наврўз ҳақида бир-бирига ҳамоҳанг, шу билан бирга бири иккинчисини такрорламайдиган маълумотлар жуда кўп. Хусусан, Ўрта Осиё халқлари тарихи, маданияти, удуми, урф-одатларини ёритувчи тарихий ва адабий манбаларда Наврўзнинг асосий моҳияти тўла акс этган. Баъзи маълумотларда «Наврўз аҳмонийлар давридан (эрамиздан олдинги 558—330 йиллар) бошлаб анъанага айланган», дейилади. Наврўз хусусидаги аниқ маълумотлар Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий», «Атафҳим» асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» рисоласида, Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» каби асарларида кенг мадҳ этилган. Наврўзнинг асл моҳиятига етиш, уни ҳар жиҳатдан улусга ташвиқ қилишда туркий тилда битилган илмий ва бадиий асарлар ҳам асосий манба бўлиб келган. XI асрнинг улуғ тилшунос олими Маҳмуд Қошғарий «Девону луғотит турк» асарида йиллар мучали, ой, ҳафта ва кунлар хусусида маълумот бериб,

(Давоми 2-бетда)

MIMM

XABARLARI

MUSHOIRA

Kosonsoy tumanidagi 15-o'rta maktabda Prezidentimizning «O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari» asariga bag'ishlangan mushoira bo'lib o'tdi.

Mushoirada 9-sinfning «Omad», 10-sinfning «Istiqlol» va 11-sinfning «Taraqqiyot» guruhlari asarni puxta o'rganib chiqqanliklarini, uning benihoya ahamiyatini namoyish etishdi. Eng faol ishtirokchi deb «Taraqqiyot» guruhi e'tirof etildi.

A. HABILOV

SAHNADA NAVRO'Z TAVSIFI

Hamza tumanidagi 198-maktab o'qituvchisi Zuhra Obidova dars berish bilan bir qatorda maktabda ochilgan drama to'garagini ham boshqaradi. To'garak a'zolarining chiqishlari har bir bayramga o'zgacha ko'rk bag'ishlamoqda.

Yaqinda maktabda Navro'z bayramiga bag'ishlab o'tkazilgan tuman maktablari o'qituvchilarning ona tili va adabiyoti seminarida ham to'garak qatnashchilarining o'rni alohida bo'ldi. Ular ijrosidagi Navro'zga bag'ishlangan sahna ko'rinishlari barchaga ma'qul bo'ldi.

K.AZIMOVA

YOSH UY BEKASI

Yaqinda Mirzo Ulug'bek tumanidagi 275-o'rta maktabda «Yosh uy bekasi» ko'rik-tanlovi o'tkazildi. Maqsad qizlarni mustaqil hayotga tayyorlash, ro'zg'or tutish, muomala madaniyatini shakllantirish, mazali taomlar tayyorlashga o'rgatish bo'ldi.

Tanlovda 5 ta qiz g'oliblik uchun kurash olib bordi va 11-«B» sinf o'quvchisi Barno Mo'minova yuqori natijani ko'rsatib tuman ko'rik-tanlovida qatnashadigan bo'ldi.

Shahlo SHOISLOMOVA

«MALIKI TURON» VA «SOHIBQIRON»

Amir Temur xayriya jamg'armasining viloyat bo'limi Termiz shahridagi Ulug'bek nomidagi 9-maktabda «Temur va Temuriylar» mavzuida topqirlik bellashuvini o'tkazdi.

10—11-sinf o'quvchilaridan tashkil topgan «Maliki Turon» va «Sohibqiron» guruhlari o'rtasida kechgan bu bellashuv haqiqiy tariximizni, boy madaniyatimizni o'rganish, yoshlar ongiga mustaqillik g'oyasini singdirishda muhim o'rin tutishini ko'rsatdi.

Bozor ILYOS

MIMM XABARLARI

Ayyom kundaligi

ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛИК

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Наврўз шоду хуррамлик билан кутиб олинмоқда. Бу олий даргоҳга университет мақомининг берилиши талаба ва профессор-ўқитувчиларнинг кўнглида чексиз ғурур ва фахр туйғуларини уйғотди. Бу хушхабар факультетларда нишонланаётган Наврўз шодиёналарига уланиб кетди. Айниқса, бошланғич таълим услубиёти факультети талабаларининг байрами ўзгача руҳ, ўзгача кайфият билан ўтди.

Наврўз шодиёнаси чақириққача ҳарбий таълим факультети талабалари билан биргаликда нишонланди. Қадимий ва ғўзал урф-одатларимизни, истиқлол ва Ватанимизни мадҳ этувчи қўшиқлар, лапарлар янгради. Дастурхонга сумалак, кўк сомса, палов каби турли хил ноз-неъматлар тортилди.

Шунингдек, университетнинг тарих, филология, бадиий графика факультетларида ҳам Наврўз шодиёналари бўлиб ўтди.

Раҳмон АЛИ

ЯХШИ КАЙФИЯТ УЛАШИЛДИ

Бугун ҳаво ҳам, инсонлар ҳам ўзгача кўтаринки руҳиятда, шодликлардан тўлқинланиб турибди. Чунки ўлкамизда Наврўзи олам нишонланаяпти. Бу кайфиятнинг ёрқин ифодасини Тошкент Молия институтининг ҳовлисидаги жозибадор безатилган дастурхондан ҳам сезиш мумкин. Боиси, институт ректорати, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшларни бир пиёла чойга таклиф этиб, дастурхонга ош тортди. Айниқса, байрам тадбирига институт ходимларининг ўзлари меҳмону мезбон эканлиги ҳам файз таратиб турибди. Шунингдек, институт жисмоний тарбия кафедрасининг мудири С. Абдурашидовнинг мазмунли қўшиқлари ҳам тадбирнинг янада хушкайфият билан ўтишини таъминлади.

Шодиёна институтнинг ҳисоб-иқтисод факультетида ҳам давом этиб, у ерда ҳам меҳмонларга ош улашилди. Баҳор таоми — сумалак ҳам тадбирларда севимли таом сифатида тортилди.

Қ. БОЙМИРОВ

(Боши 1-бетда)

«ВАСЛ АРО, КЎРДУМ, ТЕНГ ЭМИШ БЎЙИЮ СОЧИ»

Наврўз — баҳор, яъни оламнинг яратилишидаги биринчи кун эканлигига ишора қилади.

Наврўз ҳақида XI—XV асрларда яратилган адабий манбаларда янада мукаммалроқ бадиий ифодаланган. Хусусан, Озарбайжон шоири Низомийнинг Қутб томонидан қилинган «Хусрав ва Ширин» достони таржимасида характерли мисоллар келтирилади: «Барча фасл Наврўз болмаз» каби юқори баҳолаш, «Йўзунг Наврўз» каби бадиий ўхшатиш маҳорати асосида таърифланган.

Наврўз — Навоийгача бўлган эски ўзбек адабий тили манбаларида, шунингдек, «Муҳаббатнома», «Назм денгизининг тубига шўнғиб, шеърий дурлар» терган Атоий, ўз даврининг «Маликул каломи» Лутфий каби ўзбек дунёвий адабиётининг ардоқли намояндалари асарларида бош луғавий маъносидан ташқари мажозий маъно ҳам касб этиб, шеърий санъат намуналарини ҳосил қилишда асосий мавзу бўлган.

Наврўз — Янги йил, шодиёна, байрам, баҳор, шаҳзода исми, Наврўз ҳақидаги асар, кўз, ошиқ каби маъноларда қўлланилиб, тажнис лутф, ташбиҳ ва бошқа бир қатор маънавий санъат турларининг яратилишига сабаб бўлган.

Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида Наврўз Баҳман сўзи билан қиёсланиб, янги йил, баҳор кунлари исиши ҳамда қиш, қаҳратон совуқ маъноларини англатиб тазод санъатини юзага келтирган. Айни пайтда мазкур санъат замирида Наврўз — бахтсаодатли, хушнуд, мамнун; Баҳман — ғазабли, қаҳрли тарзидаги реал шахслар тимсоли сўз ўйини сифатида таъкидланади.

Ҳазрат Алишер Наврўз хусусида кенг мушоҳада юритиб, ўзининг «Хазойинул-маоний» асарида қўйидагича ифодалайди:

Васл аро, кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз,

яъни маҳбубанинг бўйи билан сочини тенг бўлишидек, тун-куннинг баробарлашиши Наврўз демакдир, деб мажозий ўхшатиш ҳосил қилган.

Шоир Наврўз ҳақида илмий маълумот берар экан, туркий халқлар тўй, сайл, шодиёна кунлари киядиган қалпоқ, яъни тўппининг янгича бир тури наврўзий деб аталганини таъкидлайди.

Манбаларда Наврўз сўзининг янги-янги маъноларда келиши турли даврларда яратилган изоҳли, икки тилли, кўп тилли, қўлёзма, чоп этилган луғатларда унинг кўп маънолик хусусиятга эга эканлиги асосли изоҳланган. Наврўзнинг луғавий маъноси форсий — нав — янги, рўз — кун, яъни Янги кун, йилнинг биринчи бошланиш куни демакдир. Бу эса қуёш (шамсия) йили ҳисобида ҳозирги март ойининг 21-кунига тўғри келади. Худди шу изоҳ тўрт томлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»да берилган. Наврўз сўзининг йилнинг бошланиши; баҳор чоғи; тун билан куннинг баробарлашиш куни каби маънолари «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат»да, XIV асрнинг Хоразм обидалари асосидаги «Эски ўзбек тили» ҳамда кўлёзма луғатлардан, «Бадойиул-луғат», «Сонглоҳ», «Луғати нематиллоҳ», «Қомуси Усмоний» каби асарларда келтирилади. Наврўзнинг қадимий мусиқа, куй номларидан бири эканлиги «Ғиёсул-луғот», «Форҳонги забони тожики» ва «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да кенг шарҳланган.

Маънавий тафаккурнинг юксалишига тарихан ёндашиш, тарихчиларнинг асл манбаларига мурожаат қилиш туфайли, Наврўз ҳақидаги мушоҳадалар ўз такомилини топмоқда. Эндиликда тилимизнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, унга ҳеч тортинмасдан бир дунё маъно юклашга эриша олдик. Наврўзнинг қадимдан бир неча маънода ишлатилганлигигагувоҳ бўлдик. Масалан, Наврўз — жонли ва жонсиз предметларнинг ҳаракатга келиши; деҳқонларнинг янги меҳнат куни; табиат ва ерга меҳр-муҳаббатнинг уйғониши; жисмоний ва маънавий тарбияни ардоқлашда илк туйғуларнинг туғилиш куни; ўзаро низо, урушлар, гина-кудуратларнинг унутилиши; кишилар ўртасида тинч-тотув, қўшничилик алоқалари ўрнатилиши куни каби ҳаётий муаммоларни ўзида ифодалаб беради.

Умуман, халқимиз ўртасида унутилган удумлар, урф-одатлар, она тилимиз истеъмолидан чиқиб кетган теран маъноли янгилик кашф этувчи сўзлар Наврўз туфайли қайта тикланиб, истеъмол доираси кенгайиб, луғат бойлигимиз ошиб бормоқда. Эндиликда бу тарихий удумни янада кенг шарҳлашга тарғиб қилишга астойдил киришайлик.

Хуллас, халқимиз тарихига, тарихий удум ва анъаналарга адолат кўзи билан қарай олиш, уларнинг асл моҳиятини, аввало, тўғри тушуниб, ёшларга етказиш маърифат аҳлининг асосий вазифасидир.

Зиёдулла ҲАМИДОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

ТИЛИМИЗДА, ДИЛИМИЗДА БАҲОР!

Қўшработ тумани вилоят марказига 100 километр, яъни автобусда роппа-роса икки соатлик йўл. Митан посёлкаси чегарасидан ҳатлаб ўтишингиз билан сизни чексиз далаю даштлар ўз бағрига чорлайди. Бу ерда баҳорнинг келиши ҳам, Наврўз байрамининг нишонланиши ҳам ўзгача.

Туман халқ таълими бўлимининг мудири Мамарайим Темиров бу ҳақда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Наврўз — йилнинг боши. Бизнинг дашт қишлоқларида унинг халқона ажойиб номи бор: Йил боши. Наврўзнинг номи собиқ иттифоқ даврида «Навбаҳор» деб ўзгартирилган йилларда ҳам элимиз ўз тилидан бу атамани олиб ташламаган эди. Йил боши нишонланганда ҳар бир қишлоқ аҳолиси тўп-тўп бўлиб, қир-адирларга кўрпачалар ёзишиб, дастурхон безашиб, турли хил таомлар устида бир-бирларига манзират қилганлар. Бундай давраларда аёллар алоҳида, эркаклар алоҳида ва болалар яна бир гуруҳ бўлиб ўтирардилар. Ҳозирда ҳам бу ажойиб анъана барча қишлоқларимизда сақланиб қолган. дастурхонга тортилган ош, қулчатой, ширгуруч, кесган ош, ялпиз бичак, ғилминди, қовурма, тандир сомса, тандир кабоб каби миллий ва маҳаллий шароитга мос тансиқ, хушхўр таомлар тортилганки, лаззатли овқат тайёрлаган уй бекаларига ташаккур билдирилган.

Хўш, Наврўз Қўшработ тумани мактабларида қандай нишонланади?

Туман ҳудудида 80 та мактаб бор. Мавжуд қишлоқлар 32 та маҳаллага бирлашган. Маҳаллий ҳокимият ва вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан берилган буйруқ ва кўрсатмалар асосида байрамни нишонлаш тадбирини ишлаб чиққанмиз. Бунга мувофиқ, барча мактаблар ўзлари жойлашган қишлоқ ҳудудида катта-кичик тадбирлар уюштиришади. Кўпкари, пойга, эркин қураш, шахматшашка, узунликка сакраш, хўроз уриштириш каби қадимий ва замонавий спорт мусобақалари байрам тадбирларига мазмун ва шукуҳ бағишлайди.

Эсимда, ўтган йили туманимиздаги ташкилот ва муассасалар ўртасида ўтказилган байрам тадбирлари бўйича халқ таълими бўлими биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлган эди. Туман ҳокимиятининг қимматбаҳо эсдалик совғалари бизга тақдим этилганди. Бу йил ҳам фахрли ўринни эгаллаш ниятидамиз. Ўшанда ҳаво анча совиб, қор учқунлаб туришига қарамай, баҳорга ташна қишлоқдошларимиз туман марказидаги «Меҳнат» спорт майдончасига сувдек оқиб келишган эди. Шунда мен халқимизнинг фасллар келинчаги баҳорни нақадар суйишини, байрам улар қалбига тотли нашидалар олиб киришини илғаган эдим.

Бугунги Наврўз байрами тантаналари марказдаги 81, 82, 48-мактаблар учун айниқса, катта шодиёнага айланади. Бу мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари «Меҳнат» стадионига тўпланишиб, тилларида, дилларида Баҳорни кутиб олишади! Бир ёқда концерт, бир ёқда шеърихонлик, сал нарироқда полвонлар беллашуви, анов ерда шахмат-шашкачилар, хуллас, ҳар ким ўз қобилиятига яраша томоша кўрсатади. Айниқса, миллий пазандачилик санъатларини кўз-кўз қилишни истаган қиз-жувонларнинг қай бирига фахрли ўрин беришни билмай, гангиб қоласиз. Туман ҳокимлиги, «Нуроний», «Камолот» жамғармалари, бошқа нуфузли ташкилот раҳбарлари иштирокида тузилган ҳайъат аъзолари улар пиширган таомлардан бир-бир татиб кўришади. Ва ҳар бирига баҳо беришади. Наврўзнинг энг муборак таоми — зарурий дармондориларга бой сумалакни жимжилоқ билан ялаб кўришганда «Омонлик, сомонлик, кўрмагайлик ёмонлик» деб қўйиш барча жойда расм. Бунинг замирида ҳаётий ҳақиқат яширин. Сумалак баҳона кишиларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатлари ортади...

Умуман, Наврўз — бир фаслнинг иккинчи бир фаслга алмашишигина эмас, балки кишилар руҳининг ҳам янгиланишидир.

Суҳбатдош Ҳ. ТЎЙМАНОВА

Болалар байрам қилишсин-да. Наврўз айёми уларнинг қалбига бир олам қувонч ва шодликлар олиб кирди. Тошкент шаҳридаги 308-мактабда бўлиб ўтган байрам тантанаси ҳам болаларда олам-олам таассуротлар қолдирди.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ТУРКИЯДА НАВРЎЗ

Туркия Республикасида ҳам Наврўз айёми тантаналари бошланиб кетди. Наврўз бу ғўзал мамлакатда 1995 йилдан бошлаб расмий байрам сифатида нишонлана бошланди. Албатта, бунда Ўрта Осиёдаги мустақил давлатлар билан дўстлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бориши катта аҳамиятга эга.

Байрам куни Туркиянинг баъзи ерларида миллий таомлар пиширилади, болаларга совғалар улашилади. Ёру биродарлар, қавму қариндош, қўни-қўшни ва дўстлар, болалари билан қирларга, боғларга сайрга чиқадилар. Матбуот саҳифаларида ва телевидениеда Наврўз тадбирлари кенг ёритилади.

Жумладан, «Овросиё» телеканали Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Наврўз тантаналаридан кўрсатувлар беради. Бундай тадбирлар икки мамлакат халқлари орасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлайди. Ахир, Наврўзи олам динимиз, урф-одатларимиз муштараклигининг нишонаси эмасми?

Демак, Наврўз нафақат баҳор ва янги йил байрами, шу билан бирга мамлакатларимиз аҳиллиги, қардошлик ришталарининг абадийлиги рамзи ҳам. Барча Ўзбекистонлик биродарларга Наврўз айёмлари муборак бўлсин!

Хусаметдин АРЛИ

Ayyom kundaligi

БОЛАКАЙЛАР СУМАЛАГИ

Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган Наврўз байрамида кичкинтойлар тажрибали, болажон мураббийлардан Мактура Жўрабоева, Севара Шораҳметова, Наргиза Усмонбекова бошчилигида сумалак тайёрлашди. Аҳамиятли томони шундаки, бу таомга тайёргарлик ҳамда уни пишириш жараёнида болакайлар тўлиқ иштирок этишди. Мазкур муассасада бу йил ўн тўртинчи марта сумалак қилинаётган экан.

Наврўз айёми дастурхонига баҳорий неъматлар — ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара сингари таомлар тортилиши, уларнинг инсон саломатлиги учун нақадар шифобахш эканлиги жажжи ширинтойларга атрофлича тушунтирилди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

ХАЛҚ МЕҲРИ МАНГУ

Шайхонтоҳур туманидаги Ғаффор Рашидов номидаги 98-мактаб-интернатда Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган тадбирда болажонларнинг шўх ўйин-кулгисию катталарнинг самимий чеҳраларидаги ўзгача янгоришнинг гувоҳи бўлдик.

Наврўзни меҳр-мурувват байрами деганида халқимиз қанчалик ҳақ гапни топиб гапирган-а.

Кўп болалик, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари, етим ва ярим етим болалар таълим оладиган ушбу мактабда байрам дастурини кам-кўстсиз ўтказишда кўпчиликнинг беминнат ҳиссасини инсонийлик муруввати демай яна нима дейиш мумкин. Айниқса, «Бахтиёр-Бахтинур» фирмасининг директори Абдуманнон Каримов байрамни ўтказишда тантилик қилди.

Хуллас, бир мактабда ўтказилган байрамда қатнашибоқ, шундай меҳр-оқибатли инсонларинг бор экан, Наврўзинг яшайди, Наврўзинг бор экан, меҳринг ҳам мангудир халқим, дегим келди.

Рустам БОЙМАТОВ

Mulohaza

ИНКОР ЗАМИРИДАГИ ДАВОМАТ*

Айнан мана шундай инсонлар ҳақида айтиш мумкинки, уларнинг қолдирган мероси энг соф ва энг қадрли меросдир.

Маълумки, ота-онаси мусулмон бўлганлари билан фарзанд, шахс ўз қалби билан исломни қабул қилмас экан, у мусулмон бўлиб қолмайди. Худди шундай ҳол, яъни ота-онаси ашаддий коммунист бўлганлари билан уларнинг фарзандлари ҳам коммунистлар бўлиб кетмади.

Демакки, инсон ўзи ишониб, ўз қалби ва ишончи билан бирон тушунчага кириб борсагина, у ўз мустақиллигини сақлаб қолиши билан бир вақтда, ўзи танлаган ишонч ҳам мустаҳкам бўлади. Фақат мустаҳкам, мустақил ишончли кишиларгина жамиятимизнинг фозиллари, олимлари ва ақлиларидирлар. Бундай комилликка эса фақаттина ўзини излаган, ўзи-ўзига мен кимман ва нимага эришмоқчиман, деё олган инсонларгина эришади.Бундай фикрлашни эса биз ота-оналар фарзандларимизга оиладагина ўргата оламиз ва ўргатишимиз шарт.

Маълумки, оилавий ҳаётда, бола тарбияси асосан уч йўналишда олиб борилади. Бу ҳам бўлса: оҳиста-оҳиста ҳаёт сирларини зарурат туғилган ҳолларда тушунтириб, ўргатиб бориш; қаттиққўллик билан сиқув остида ўстириш; ва мустақилликни чегараламаган ҳолда, аммо умумий назардан қочирмасдан эркин тарбиялаш. Биз шу уч йўналишнинг оилада ва мактабда қандай кечишини бироз ёритмоқчимиз.

ВАҚТИ КЕЛСА, БИЛИБ ОЛАДИ

Эрта тонг, қуёш оҳиста чиқиб келар экан, бунга ҳеч кимнинг шубҳаланиси келмайди. Аммо биз атрофимиздаги мурғак болачага, эртага ҳам қуёш чиқади, деб қўйишни кўпинча унутамиз ва бунинг натижасида баъзан бижиллоқ болажонларимиз, «Дада, қуёш қаерда ухлайди?», деб сўраб қолади.

Бунга юқорида келтирган уч йўналишда ўз болаларини тарбиялаётган ота-она ҳам уч хилда жавоб қайтаради.

Биринчиси, вақти келса билиб оласан, қуёш ер шарини айланиб юради, дейди-да ўз мулоҳазасини тўхтади.

Иккинчиси эса, доим сен ўзинга керак бўлмаган нарсаларга бурнингни тиқасан, сенга ҳозир бу керак эмас, мана буни бажаргин, деб бирон иш билан боласини банд қилмоқчи бўлади.

Учинчи ота-она эса боласига эркинлик бериб, қани иккимиз бир уйлаб кўрайлик-чи, деб дўстларча бу ҳақда фарзанди билан узоқ суҳбат қуришади.

Бандимиз сарлавҳасидан келиб чиқиб биз мана шу йўналишнинг биринчиси ҳақида фикр юритсак. Айнан шу йўналиш бугунги кунда бизнинг муҳитимизда жуда кенг тарқалганки, унга алоҳида тўхталмасдан иложимиз йўқ.

Биз, кўпчилигимиз, одатда, «Қуш уясида қўрганини қилади» ақидасини тез-тез ва ноўринроқ ишлатамиз чоғи, бола тарбиясига унчалик эътибор бермаймиз. Уйдаги майда юмушларга болаларга қараб, билиб қилинглар-да, деб бир-икки айтсак, ўзимизни буюк тарбиячи санаб юрамиз. Шу чала тарбия ҳосиласи бўлмиш боламиз бирор ножўя иш қилиб қўйганда ҳам, ёшда, бир кун эси кириб қолади, деган мулоҳазадан нари ўтмаймиз. Мана, оддий бир мисол.

Мухтор билан Дарима ҳам турмуш қурганига ўн йил бўлибдики, бола тарбияси ҳақида уларнинг фикри бир жойдан чиқмайди.

Мухтор ўта босиқ, мулоҳазали, ўқимишли киши, бола тарбияси борасида унинг астойдил фикри, бола ўзи бир куни тушуниб етади, шундагина унинг ҳаёт тажрибаси мустаҳкам бўлади, дейди. Дарима эса сизга қўшиламан , аммо тозалик, уй тартибини мен ўзим ўргатишим керак, деган фикрда.

Бир куни ёз пайти Мухтор билан Дариманинг бу йил мактабга бориши керак бўлган қизи Шаҳрихон дугонаси билан уйларининг ёнидаги музқаймоқ сотадиган дукон ёнидан ўтаётиб бир идишда музқаймоқ солинадиган лачра қутичаларни кўриб қолади. Икки дугона эгасиз қолдирилган лачра қутичаларидан роса туйиб ейишади ва қолганини бўлишиб уйларига олиб кетишади. Дам олиш куни бўлганидан Мухтор ҳам, Дарима ҳам уйда бу ҳолдан хабар топиб, жиддий ташвишга тушишади. Дарима Шаҳрихоннинг қўлидаги тўрт дона лачрақутини олиб, улар тоза бўлмаслиги мумкин, нимага единг, деб хархаша қўтаради. Мухтор эса бу ҳолатда қандай йўл тутишни билмай турган бир пайтда ҳовлиларидаги умумий сувқувурнинг ёнида бир қовуннинг турганини кўриб қолади ва қизини чақириб, Шаҳрихон, қизим, бориб ана у қовунни олиб кел, мазза қилиб еймиз, дейди. Қизалоқ қўшниларнинг сув тагига қовун қўйиб совутишини, уларни ҳеч ким олмаслигини билар эди.

Шунинг учун дадасига қараб у қовун бизники эмаску, қўшнилар қўйишган, дейди ва ўз қилган ишига тушуниб гуллай қизариб кетади. Шаҳрихоннинг айтишича, бир умр мана шу оддий бир мисолдан бировнинг нарсасини қаровсиз ётган бўлса ҳам олмаслик кераклиги унга сабоқ бўлган.

Ҳўп, бу ўринда нима дейиш мумкин, она ўз русумидан келиб чиқиб қизини койиди. Ота ҳам, ўз тушунчасидан келиб чиқиб қизини ёмон ишдан тийди. Лекин бу ишнинг олдини олиш, илгаридан айтиб қўйиш ҳам мумкин эди-ку. Айтиш лозимки, тарбиянинг фаол ва нофаол усулларининг ҳам ўзига яраша ҳам салбий, ҳам ижобий томонлари бор. Бу ўринда нофаол тарбия, бола бирон ножўя иш қилганидан кейингина болага сабоқ беришлик салбий томонга мисол қилиб келтирилди. Савол туғилади, бунинг олдини олса бўлармиди? Албатта бўлар эди. Бунда қандай ўринлар тутилиши мумкин? Қуш уясида қурганини қилади, деймиз. Болага бировнинг нарсасини олиш ёмон деб қанчалик ваъзхонлик қилманг, у албатта олиб ейиши, татиб кўриши, ўзиники қилиб яширин ишлатиши мумкин.

Бу ҳодисадан болани қандай сақласа бўлади. Оддий ҳол, болага уйда акасининг ёки укасининг нарсасини унинг сўроғисиз олиш мумкин эмаслигини ўргатишнинг ўзи бас. Бола, албатта, яхши тушунади, ҳатто ака ёки укасининг нарсасини сўроқсиз олиш мумкин бўлмагандан кейин, қандай қилиб у эгаси нотаниш, кимникилиги ноаниқ бўлган нарсани олсин. Айни шу борада оилада нарсаларни «яшир-яшир» одатидан қочмоқ керак. Яширилган нарсалар боланинг фикрини кўпроқ тортишини унутмаслигимиз лозим. Аксинча, очиқ ҳолда, у меники эмас, деган тушунчани боланинг онгига сингдириш ўта зарур. Бу усул, биринчидан бировникини олиш мумкин эмаслигини ўргатса, иккинчидан боланинг иродасини чиниқтиради.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

(Давоми бор)

* (Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида)

«O'ZDONMAHSULOT»

DAVLAT AKSIONERLIK KORPORATSIYASI

Navro'z ayyomingiz qutlug bo'lsin !

Шундай қувончли айёмларда, муборак ҳайитларда, тўю-маъракаларда дастурхонингизга ўз маҳсулотларимиз билан файз қўшаётганимиздан мамнунмиз!

O'ZBEKISTON — TABARRUK ZAMIN !

Fikr

ЯНГИЧА МУНОСАБАТ ЗАРУРАТИ

Болаларимиз бирибиридан ширин, бирибиридан чиройли. Уларнинг ҳар қайсиси ўзгача эътибор, ўзгача меҳр истайди. «Боғча опа» эса ҳар бир болага бирдай ширин сўз бўлиши, уларни «сен яхши», «сен эса ёмонсан» деб ажратмаслиги керак.

Бола эркин бўлишни истайди. Ўзи хоҳлаган ўйинни ўйнашга, истаган пайтда нимадир қилишга интилади. Бу интилиш боланинг табиий эҳтиёжидан келиб чиқишини тўғри тушуниш даркор. Боғчада ўтказиладиган машғулотлар, ўрнатилган тартиб-қоидалар қатъий режим асосида боришни тақозо этади. Бола белгиланган пайтда ўйнаши, белгиланган пайтда машғулотларга қатнашиши зарур. Ўйинларни «боғча опа» ўйлаб топиши, қизиқ-қизиқ томошалар ташкил этиши, болаларда машғулотларга қизиқиш уйғотиши учун турли-туман методикалар ижод қилиши лозим. Қарабсизки, бола ҳаётининг дастлабки кунларидаёқ мустақил ҳаракат қилишга имконият яратилмайди, барча ташаббус тарбиячига ўтади. Натижада болалар тарбиячининг нима дейиши, нимани кўрсатишини кутиб турадилар. Аммо айрим болалар «боғча опа»ни кутиб туришмасдан ўзларича ҳаракат қила бошлайдилар. Шунда «боғча опа» унга тегма, сен жим тур, машғулотга халақит берма каби дашномларни бериб, болаларни койийди. Бола эса ноилож ликдан жим туришга мажбур бўлади. Лекин бутун вужуди, ички дунёси билан норози бўлиб қолаверади.

Болаларни сайрга олиб чиқишни кўрадиган бўлсак, тарбиячи хонадаёқ болаларни жуфт қилиб қаторга тизади. Ўзи олдинда, болалар эса унинг кетидан тизилишиб, боғча ҳовлисига чиқишади. Ҳовлини айланиб, соябон остига келиб ўтиришгач, «боғча опа» бир-икки қизиқарли эртак ҳам айтиб беради. Вақтга қараб яна уларни қатор тизиб, машғулот хонасига қайтади ва кундалик қайд дафтарига «Сайрга олиб чиқилди», деб ёзиб қўяди. Маълумки, талаб бўйича сайрга олиб чиқишдан мақсад, болалар ҳаво алмаштиришлари зарур ва шу зарурлик туфайли сайр амалга оширилади.

Сайр пайтида болалар нимадир қилмоқни, ҳовлининг қайсидир бурчагига бормоқни, қаердадир тўхтаб осмон, атроф-теваракни ўзича томоша қилмоқни, қай бири ўтириб дам олиш, яна бошқаси югуришни истаб қолади. Афсуски, «боғча опа» сайр эттириш талабларидан чиқа олмаслиги натижасида болаларнинг ички талаб-эҳтиёжлари қондирилмай қолаверади.

Тарбиячилар билан суҳбатда «Болалар билан табиат, атроф-теварак ҳақида суҳбатлашасизларми?», деб сўрганимизда улардан: «Ҳа, шу мавзуга оид машғулотларда уларга табиат ҳақида гапираверамиз», деган жавобни оламиз. Демак, табиат, тарбия ҳақида қачон гапириш, жисмонан чиниқтириш — ҳамма-ҳаммаси вақтга боғлиқ ҳолда қатъий тақсимланган. Аммо бола — табиат меваси. Уни табиатдан алоҳида, сунъий усуллар воситасида шакллантиролмаймиз-ку!

Мактабгача тарбия концепциясининг асосий ғояларидан бири боланинг уйғун ривожланишини таъминлашдир. Шундай экан, боғча кун тартибини ташкил этишда болалар талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиш зарур. Бола ҳаётидаги ҳар бир кун қизиқарли, ранг-баранг ўтиши керак. Бироқ боғчада ўрнатилган ягона кун тартиби доимо бир хилда такрорланавериши боис, болани зериктириб қўяди. Натижада болада боғчага боришга норозилик уйғонади. Устига-устак мақолада келтирилган айрим тарбиячиларнинг хатти-ҳаракатлари болани тобора боғчадан бездира бошлайди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»га таянган ҳолда боғча фаолиятида боланинг эркин ривожланишини таъминлаш, уни уй шароитига тобора яқинлаштириш, бола шахсини ҳурмат қилиш, эъзозлаш, бола табиатнинг олий неъмати эканлигидан келиб чиққан ҳолда, мактабгача тарбия кабинетининг ижодий гуруҳи қуйидагиларни тавсия этади:

Меҳр кўзда, дейди доно халқимиз. Кейин у сўзда намоён бўлади. Тарбиячилик санъатдир. Ҳар бир тарбиячи бола қалбини билиши, мунтазам ўрганиши, унга нисбатан хатти-ҳаракатни мослаштириши зарур. Шу мақсадда ҳар бир мактабгача тарбия муассасасида «Болалик» дастури ишлаб чиқилиши ва шу дастур асосида тарбиячиларнинг мунтазам ўқишини ташкил этиш лозим. «Болалик» дастурининг мазмунида эса педагогик-психологик билимлар, халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар ўз аксини топмоғи даркор.

Нутқ маданияти, сўзлашув маданиятини таркиб топтириш, бу борада ўзаро ҳурмат, бир-бирини қадрлай олиш, иззат-икром каби фазилатларни шакллантириш, тарбиячи ва бола ўртасида ҳамда болаларнинг бир-бирлари билан мулоқотида ўзаро «сиз-сиз»лаб гапиришга ўргатиш, бир-бирига мурожаат этганда исмига «жон», «бек», «хон», «ой» қўшимчаларини қўшиб айтиш одатларини тарбиялаш ҳам зарур. Шу билан барча ўйин машғулотларини ташкил этишда болалар истак-талабларидан келиб чиққан ҳолда кичик гуруҳларда ўйнаш, якка тартибда ўз ихтиёрида ўйнаш усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳам даркор.

Тарбиячилик вазифасига ходимни ҳар томонлама ўрганиш, махсус тестлардан ўтказиш ва шу асосда чиқарилган хулосаларга таяниб ишга қабул қилишни жорий этиш лозим.

Мазкур тавсиялар келажакда амалга оширишимиз лозим бўлган ишларнинг бир қисмигина, холос. Ҳар бир боғча мудираси, ҳар бир тарбиячи таълим-тарбияни замон талаблари асосида қайта ташкил этиш бўйича нималарни амалга ошириш зарурлиги ҳақида жиддий ўйлаши даркор.

Болани эъзозлаш, авайлаш, соғлом ўстириш халқнинг бурчидир. Чунки у халқнинг келажаги. Шунинг учун ҳар бир тарбиячи ўзини ота-онадек ҳис этган ҳолда болаларга меҳр қўйиши керак.

Матлуба ҲАСАНОВА,
Бухоро ВПХМОИ мактабгача таълим бўлими бошлиғи

"GULMIR-DERI"

o'zbek-turk korxonasi

Shu aziz va mo'tabar Vatanda istiqomat qilayotgan barcha birodarlarga

NAVRO'Z

ayyomida eng ezgu tilaklarimizni yuo'llaymiz!

Ozod Vatan - O'zbekistonning buyuk kelajagiga tamal toshlari qo'yilayotgan bugungi yuksalish yillaridagi Yngi kunimiz qadami barchamizga qutlug' bo'lsin!

Toshkent sh., Oksoy ko`cha, Soxiboev tor ko`cha, 22. Tel.: (3712) 43-37-54.

ШАНБАДА КИРСА НАВРЎЗ

Ўлкамизда баҳорнинг ёқимли шабадаси кезмоқда. Бу йил Наврўзи олам бизга шанба куни ташриф буюрмоқда. Олимларимиз айтган эканлар: «Агар Наврўз шанба куни доҳил бўлса, «Зуҳал» юлдузи, яъни Сатурнга тааллуқлидир. Демак, бу йил диёримизда кўп ёмғир ёғар экан. Экинларимиз янада гуллаб-яшнаб, тўкин-сочинлик, мўллик бўлар экан. Ота-боболаримиз тили билан айтганда, қўлларимиз мойгаю уйларимиз буғдойга тўларкан. Айниқса, бу йилги Наврўзимиз жуда ўзгача, файзли ва хосиятли келмоқда. Чунки у мустақиллигимизнинг етти йиллик байрами арафасида ташриф буюрмоқда. Азалдан 7 рақамини хосиятли деб келишган. Ниманидир орзу қилиб, ўша мақсадга етмоқчи бўлганимизда ҳам етти марта ейиш керак ёки табаррук сувларни ҳам етти қултум ичиш керак, дейишган. Демак, неники орзу қилган бўлсак, бу йилги Наврўзи олам кириши билан бирга, айниқса, яна Оила йилида ҳамма оилаларимизга бахт, қувонч, барака, тўкин-сочинлик кириб келади. Айниқса, кузги экинларимиз ҳам жуда мўл бўлганидан уларни йиғиштириб улгуролмай қоларканмиз.

Мана, ҳозир Наврўзи олам ташриф буюриши арафасида ҳар маҳаллада ҳамма ёқни шох-шаббалардан тозалаб, кўкка, қуёшга интилиб ўсаётган ўт-ўланларни яйратиб, уларнинг бўй-бастларини кўрсатиб, атрофимизни янада гўзал бўлишига ҳисса қўшишмоқда. Ҳар бир дошқозонда қайнаган сумалаклар биқирлаб, ана Наврўзи олам келаётир, дегандай туюлади. Ҳа, Наврўз ҳам ҳеч бир байрамларимизга ўхшамаган, қадимги миллий ва энг азиз байрамдир. У — катта-кичик ҳар бир инсон, ҳатто энг майда ҳашаротлар ҳам интиқ кутган байрамдир.

Ҳа, бу йилги мустақил Ўзбекистонимизнинг 7 ёшида ташриф буюраётган хосиятли Наврўзимиз ҳаммангизга муборак бўлсин, дўстлар! Зеро, шоир айтганидай:

Наврўз билан келади шодлик,
Наврўз билан элда ободлик.
Наврўз келса гуллайди боғлар,
Наврўз келса яшнайди тоғлар.

Саломатхон ҲАСАНОВА

Ибрат

ЎЛКАМ БАҲОРИ

Кутиб олиш мароқлидир ўлкамиз баҳорини,
Наврўз байрами кетказар кўнгиллар ғуборини.

Дастурхонларни безайди ялпиз, ҳалим, сумалак,
Олиб чиққан ҳамма шу кун нима топса борини.

Бир томонда кураш, пойга, бир ёнда дор ўйини,
Созандалар янгратади чилдирмаю торини.

Завқланасан кўм-кўк ўтлар, турли гуллар ҳидидан,
Кўриб учган турналарни, чўққиларнинг қорини.

Анъананинг тиклангани катта қувонч элимга,
Чақ-чақлашиб ёзишмоқда кексалар хуморини.

Барҳам топар Наврўз куни аразлашиш, жанжаллар,
Эл кечирар бир-бирига беришган озорини.

Янги уйланганлар дўстга кўз-кўз қилса дилбарин,
Келинчаклар кўз-кўз қилар ёндаги шунқорини.

Онасидан узоқроқда ўйнар катта болалар,
Ота билан кезар гўдак ширинлик бозорини.

Яратганига ишонмай ҳайрон боқар табиат,
Айлаб томоша ясанган гўзаллар рухсорини.

Совға баҳона, кўнглининг дардин айтади йигит,
Астагина четга имлаб жондан севган ёрини.

Бундай ҳодиса бир эмас, ёки уч, тўрт, ўн эмас,
Минг-минг бўлади ватанда қилиш ишқ изҳорини.

Боболарнинг руҳи шоддир бу байрамдан, эй Тўра,
Кутиб олиш энг мароқли ўлкамиз баҳорини.

Тўра ЖУМАН

Xullas...

БЕКАЛАРНИ ЎЙЛАГАН ШЕКСПИР

Англия чойининг хуштаъмлиги ҳаммага маълум. Лекин 1953 йилда чойнакнинг ичига солиб қўйиладиган халтачали чой кашф этган англияликлар, тўғрироғи «Тетл» компаниясидан дунёнинг кўпгина мамлакатлари қарздор.

Мазкур компания янги «сюрприз» тайёрлади. Тони Шекспир халтачадаги бир дамлашлик чойнинг янги турини ихтиро қилди. Қизиғи шундаки, уни чашкадан суғуриб олганингиздан кейин дастурхонга ёки плёнкага бир томчи ҳам суюқлик томмайди. Бельгия газетаси «Суар»нинг хабарига кўра, яқин вақт ичида Шекспирнинг бу кашфиёти бутун жаҳонни лол қилар экан.

ШИЛИНГАН ТЕРИНИ «ШИЛИБ» КЕТИШДИ

Ярим тунда Соболевск посёлкасидаги Медведевск чорва хўжалиги омборхонасидан номаълум шахслар тайёр маҳсулотларни ўғирлаб кетишди. Унда 3 минг дона қора-қўнғир қоракузан (норка) териси бор эди. Миллиард рубл талафот кўрилди. Ферманинг бор-буди шул бўлиб, жамоа аъзолари бир йиллик маошдан маҳрум бўлиб қолди. Россия ИИВ буни алоҳида назоратга олди. Жиноятчиларни қўлга олиш ҳақидаги барча маълумотлар 20 миллион рублга баҳоланган. Буни милиция ходимларига тўлаш керакка ўхшайди. «Чунки улар «юмшоқ олтин» ўғриларининг кетига тушишган ва тезкорлик билан қўлга олишган.

ШЕРНИ СИЛАМАСА БЎЛДИ

Ҳайвонларни хуш кўрмаслик оқибатида кўпгина зоопарклар ва цирклар моддий жиҳатдан қийналиб қолган бир даврда Челябинскда ғаройиб ҳайвонот боғини вужудга келтириш режаси тузилмоқда.

Болалар жониворларни нафақат томоша қилишади, балки уларни озиқлантиришда, силаб-сийпалашда ҳам иштирок этишади. Гап йиртқичлар ҳақида кетмаётгани тушунарли, балки ўргатилган ҳайвонларнинг инсон болаларига яхши таассурот бериши ҳақидадир. Ёзга қадар бу ерда улкан аквариум ва террариум (ҳайвонлар боқиладиган махсус хона) қурилмоқчи. Директор Галина Тютинанинг сўзига қараганда, Россияда ҳали бундай мўъжизани ҳеч ким кўрмаган.

ana shunaqa gaplar

«ТАРОНА» ЧОРЛАЙДИ

Чирчиқ давлат техника коллежида бўлганимизда бу ерда байрам тараддудининг гувоҳи бўлдик.

— Коллеж жамоаси Чирчиқ шаҳар ҳокимиятининг Наврўзга бағишланган тадбирларида ҳам фаол қатнашаяпти, — деди Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор муовини Рихси Бекбўтаева. — Шу куни талабаларнинг «Тарона» вокал-чолғу ансамбли хизматда бўлади. Карнай ва сурнайлар садоси остида даврага Баҳорой, Деҳқонбобо каби «Баҳор» композицияси иштирокчилари кириб келади. Сўнг тўй маросими саҳналаштирилиб, талабаларимиз тайёрлашган «Куёв саломи», «Келин саломи» кўринишлари намойиш этилади. Бундан ташқари, турли хил кўрик-танловлар, қизиқарли аттракцион ўйинлари ўтказилади. Жамоамиз кўп миллатли бўлганлиги туфайли байрам дастурида ўзбекча, қозоқча ва руча шеърлару қўшиқлар, миллий рақслар ижро этилади.

Нур АЛИ



МУАММОНОМА

Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган ва шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний» асаридан:

Васли аро кўрдим, тенг эмиш бўйую 19, 6, 1, 8.

Тун-кун тенг эмиш зоҳир ўлур бўлди, чу Наврўз.

2. «Шашмақом»даги «Рост» мақомининг мумтоз шоир Огаҳий ғазали билан айтиладиган шўъбаси — 7, 15, 17, 16, 4, 14, 8. 19, 15, 3, 6.

3. Мучал йил ҳисоби бўйича Наврўздан бошланадиган шу йил номи — 11, 4, 2, 3, 15, 16, 19.

4. Халқ бахшиларининг «Наврўзи олам» асаридан:

Қизлар гулли рўмол ўрар
Ўзларини қилиб кўз-кўз.
Замин 24, 7, 12, 8, кўйлак кияр
Келса Наврўз, бўлса Наврўз!..

5. Қуёш чиқиш ёки ботиш олдидан уфқда ҳосил бўладиган лоларанг қизиллик — 13, 15, 21, 15, 18.

6. Ўсимликнинг чанглатувчиларни жалб қилувчи, ҳосилга айланувчи илк аъзоси қисми — 12, 20, 2, 9, 6, 22.

7. Наврўз айёмида ёшларнинг қувноқлик, зукколик, табиатга меҳр мавзуида ўтадиган, анъанага айланаётган мусобақаси — 12, 20, 2. 3, 15, 14, 10, 8.

8. Асосан мевали ўсимлик «онаси» — 5, 15, 7, 15, 23.

Энди очқичдаги жавоблар асосида шаклдаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан Шарқ халқларининг баҳор айёми мадҳ этилган тўрт мисра шеър ва унинг муаллифи бўлган ўзбек мумтоз шоири ва асарининг номини билиб оласиз.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Диққат! Диққат! Диққат!

«ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ»

Бу Қонунлар ҳар бир ўқитувчининг қўлида бўлиши зарур!

Ҳурматли вилоят ХТБ бошлиқлари, туман (шаҳар) ХТБ мудирлари ва мактаб директорлари!

Бугунги кунларда таълим тизимидаги ва унга масъул раҳбар ходимларнинг аттестацияси ниҳоясига етмоқда. Энди навбат ислоҳотларнинг асосий ижрочиси бўлган — ўқитувчиларга! «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» билан ҳар бир ўқитувчини, тарбиячини таъминлаш мақсадида ҳамда кўпчилик халқ таълими ходимларининг илтимосига кўра навбатдаги сонларимиздан бирида ушбу Қонунлар матнини берамиз. Бизнинг обуначиларимиз бу газетани, албатта, олишади. Республикамизда қарийб ярим миллион ўқитувчи фаолият кўрсатаётганлигини инобатга олиб, газетанинг ушбу махсус сонидан яна қўшимча равишда чоп этишга қарор қилдик.

Сизга арзон ва тезда етиб борадиган махсус сон учун буюртмалар қабул қилинади.

Телефонлар:
133-37-38, 136-54-17, 133-50-55.

Navro'z mushoirasi

ЯНА БАҲОР

Яна баҳор куртакда кулар,
Арғимчоқлар учиб шохларда.
Яна бодом, ўриклар гуллар,
Нурга чўмиб бизнинг ёқларда.

Баҳор келди юртимга хушҳол,
Шамол ўйнар ёмғир сувини.
Не саодат — синглим Ойжамол,
Чангларини артар кувининг.

Сўриларда Наврўзи олам,
Сумалакнинг иқболига шай.
Эҳ, нақадар нуфузли олам,
Камалакнинг қучоғида ой.

Ана, қирлар — кўкишранг ҳаёт
Қизғалдоқлар ичра бахтиёр.
Ана, кўкда — мангу барҳаёт,
Учиб келар турналар қатор.

Бу истиқлол баҳори эрур,
Она юртим, эй Онажоним.
Бу истиқбол баҳори эрур,
Қадамингга Ўзбекистоним.

Яна баҳор куртакда кулар,
Арғимчоқлар учиб шохларда.
Яна бодом, ўриклар гуллар,
Нурга чўмиб бизнинг ёқларда.

Ҳайдар ТЎРАЕВ

КЕЛ, КУЛАЙЛИК

Бугун Наврўзи олам,
Борлиқ меҳрибон, онам.
Оламда қутлуғ Наврўз,
Қувнар, яшнар, кулар кўз.

Юр, терайлик, бойчечак,
Ҳамда хушбўй бинафша,
Ясаб ундан чамбарак.
Ўйнашайлик қир оша.

Бу кун бизга қадрдон,
Буғдой бошоғи меҳмон,
Ана, пишар мулойим,
Юмшоқ мазали ҳалим.

Келинг дўстлар, жўралар,
Даврамизга марҳабо,
Яйрасин барча эллар
Қўшиқ куйлаб дилрабо.

Жам бўлиб бир оила,
Айтайлик лапар, ялла.
Тутсин бу кенг жаҳонни
Овозимиз баралла.

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА,
олий тоифали ўқитувчи

УЙҒОНИШ

Келинчакдек безаниб кулиб,
Қир-адирлар очди гул, чирой.
Бойчечаклар бахт куйин чалиб,
Ўлкам бўйлаб кезмиш Баҳорой.

Сайҳонларда майсалар унди,
Чапак чалди қўзиғул қувнаб.
Булут кўчиб ёмғир ҳам тинди,
Гулга чопар капалак ўйнаб.

Ялпиз хушбўй ҳидларин сочиб,
Ариқларда чалар қўнғироқ.
Қизғалдоқлар гул чирой очиб,
Ҳуси берар қирларга кўпроқ.

Қозонларда қайнар сумалак,
Дуога қўл очар момолар.
Етти рангда кулар камалак,
Уйғонади сўнг чучмомалар.

Қандолат ШИРИНОВА,
ўқитувчи

Maslahat

СУМАЛАК ИСТЕЪМОЛИ ОДОБИ

Ушбу тансиқ таомнинг шифобахшлиги барчамизга маълум. Аммо уни истеъмол қилишнинг ҳам ўзига хос қоидалари мавжуд.

Сумалак пиширилган куни бошқа овқат емай ёлғиз шу таом билан парҳез қилмоқ даркор. Иложи бўлса, парҳез икки кун давом эттирилгани маъқул. Уни чой билан нонга тегизиб ялайбериш зарур. Баъзилар билиб-билмай гўштли, ёғли овқатлар, балиқ ва бошқалар билан аралаш тановул қилиб қўядилар, ҳатто ичкилик ҳам ичишади. Бу сира ҳеч мумкин эмас. Агар шундай қилинса, сумалакнинг шифобахшлиги йўқолиб кетади. Парҳезнинг камида бир ҳафта олдин ичкилик ичишни тўхтатиш лозим. Уни егандан сўнг яна шунча кун бу бадҳўр ичимликни оғизга олмаслик керак. Негаки, сумалак таркибининг асосини карбон суви, яъни шакар моддаси ташкил қилади. Бунга аралашган озгина спирт ҳам ички аъзоларда бижғиш жараёнини келтириб чиқаради. Оқибатда энг тоза неъмат билан аралашган алкогол киши танасида лоҳаслик, дармонсизлик келтириб чиқаради.

Сумалакдан тўйиб-тўйиб истеъмол қилинг, танингиз дармондорларга тўйинади!

Р. АСАДОВ,
шифокор



Sport

ЯНГИ НАШР

Мамлакатимизнинг барча спорт ишқибозлари яна бир қулайликка эга бўлишди. 1998 йилнинг 20 мартидан бошлаб, янги «Tennis+» газетасининг 1-сони босмадан чиқди. Унда асосан мамлакатимизда теннис тараққиёти, хориж кортларидаги воқеалар ва бошқа спорт хабарлари ёритилади.

АССАЛОМ, ФУТБОЛ МАВСУМИ!

Мамлакат чемпионати олий лига командалари еттинчи чемпионатимизнинг дастлабки ўйинларини ўтказишди. «Навбаҳор» — «Пахтакор» — 1:0, «Зарафшон» — «Насаф» — 0:0, «Металлург» — «Дўстлик» — 0:1, «Хоразм» — «Трактор» — 0:1, «Сурхон» — «Нефтчи» — 0:3, «Бухоро» — «Темирйўлчи» — 0:1, «Суғдиёна» — «Андижон» — 1:0, «Косонсой» — МҲСК — 1:1.

ЯНА БИТТА ПРОФЕССИОНАЛ

Профессионал бокс бўйича яна бир ҳамюртимиз, бухоролик Фурқат Турсунов улкан ютуққа эришди. У 18 март куни Берлинда навбатдаги 14-учрашувини ўтказди ва ғалаба қилиб, Бутунжаҳон профессионал бокс ассоциацияси қоидасига кўра, қитъаларо чемпион деган номга эришди.

РЕНАТ ДАСАЕВ МОСКВАДА

Футбол бўйича Москванинг «Спартак» командасининг машҳур собиқ дарвозабони Ренат Дасаев Москвага келди. Россия футбол мутасаддиларининг ҳаракатига кўра, яқинда Дасаевнинг футбол билан хайрлашиш тадбирини ўтказишмоқчи. Унга бир қанча маҳоратли футболчилар таклиф қилиниши кутилмоқда.

МАРАДОНАГА ЯНА ЖАРИМА

Аргентинанинг арзанда машҳури Диего Армандо Марадона яна катта футболга кириб келди. Бироқ ўйин бошланиши билан яна жаримага тортилди. Сабаб, мамлакат ички чемпионатини бошқарувчи ҳакамлардан бирини мафиячи ва порахўрликда айблаган. Жарима миқдори 30000 (ўттиз минг) АҚШ долларига тенг.

maydonchasi

Республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси марказининг нусха кўпайтириш бюро (офсет лаборатория)си бошлиғи Лола Юсуповага онаси Аълохон МАШАРИПОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси илмий педагогик кутубхонаси жамоаси кутубхона директори Р. Келдиёровга отаси Орзикул КЕЛДИЁРОВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6